



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ

Шарипова С.М.

ТТА Урганч филиали Педиатрия ва неонатология кафедраси

Долзарблиги: Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш, аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ривожланган мамлакатлар даражаларига етказиш, тиббий ёрдамнинг оммабоплиги, сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича профилактик ва клиник тиббий хизматлар фаолиятини назорат қилиб боришдан ташқари инсон саломатлигига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи омилларни: атроф муҳит, турмуш тарзи, оиладаги ва ишлаб чиқаришдаги муносабатлар, меҳнат, дам олиш, овқатланиш каби омилларни яхшилаш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқади. Ўсмирлик балоғат ёшида саломатлик ва фаровонлик пойдеворини яратиш учун ҳаётдаги асосий давр ҳисобланади.

Адабиётда мавжуд далиллар шуни кўрсатадики, катталардаги руҳий саломатлик муаммоларининг катта қисми ўрта ва кеч ўсмирлик даврида пайдо бўлади ва ёшлик ҳамда кейинги балоғат ёшида касалликнинг пайдо бўлишида асосий сабаб бўлади. Болалар ва усмирлар гигиенаси ушиб келаётган организмнинг муҳит билан узаро таъсирини урганади ва касалликларнинг олдини олишга ҳамда саломатликни сақлаб қолишни таъминлаб берадиган шарт-шароитларни яратишга қаратилган гигиена чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Тадқиқот мақсади. Хоразм вилоятидаги кичик мактаб ёшидаги болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишини баҳолаш ва яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш.

Материал ва услублар. 2023-2024 йилларда Хоразм вилоятидаги Янгибозор, Урганч туманлари ва Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи кичик мактаб ёшидаги (7-10 ёш) жами 200 нафар ўқувчиларнинг КВП лардаги № 063, № 112 хужжатларини, ҳамда вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида даволанган шу ёшдаги болаларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинди, ушбу болаларнинг психоэмоционал ҳолати анкета сўров ёрдамида ўрганилди.

Натижалар. Кичик мактаб ёшидаги болалар саломатлигига баҳо беришда аниқланишича, турли ёшдаги (7 – 10 ёшли) болаларда жисмоний



ривожланиш ва саломатлик кўрсаткичлари ўзаро фарқ қилади.

Бола мактабга бора бошлагач, вазн кўшилиши 7 ёшли қиз болаларда секинлашса, бўй ўсиши эса қиз ва ўғил болаларнинг иккаласида ҳам сустлашади, 8 ёшлиларда иккала жинсда ҳам вазн ўсиши сустлашган, бўй ўсиш қизларда орқада қолган; 9 ёшли болаларда вазн ва бўй ўсиши қиз болаларда суст кечган бўлса, 10 ёшга келиб иккала жинснинг ҳам бўй ўсиши бошқа ёшларга қараганда илдамлашди, вазн ўсиш кўрсаткичи бу ёшга келиб қизларда ўғил болаларга қараганда юқорилигини аниқладик.

Вазн -бўй индекси (ВБИ)нинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу кўрсаткич 9 ёшда ўғил болаларда юқори (20,2) бўлса, қизларда эса бу ёшда аксинча сезиларли даражада паст (13,52) эканлиги кузатилди.

Қишлоқ ва шаҳардаги шу ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши бир-бири билан солиштирилганда, 8-9 ёшли ўғил болаларда бўй кўрсаткичи қишлоқ жойларидаги ўғил болаларда бирмунча юқори бўлса, қишлоқдаги 8-9-10 ёшда қизларда эса бу кўрсаткич шаҳардагига нисбатан паст эканлиги аниқланди. Қишлоқда яшовчи 10 ёшли ўғил болаларда шаҳардаги шу ёшдагиларга нисбатан бўйи пастлигини кузатдик.

Вазн- бўй индекси (ВБИ) ҳам қишлоқ ва шаҳардаги болаларда бир-биридан фарқ қилади. Қишлоқдаги 9 ёшли ўғил болаларда бу кўрсаткич шаҳардаги шу ёшдаги ўғил болаларга нисбатан паст бўлса, ушбу ёшдаги қишлоқдаги қизларда эса аксинча шаҳардаги қизларга қараганда юқорилиги аниқланди.

Касалланиш даражаси шуни кўрсатади-ки, шаҳарлик болаларда 7 ёшда ўткир респиратор касалликлар, 8 ёшда рецидивловчи бронхит, сурункали гастродуоденит, талваса синдроми, 9 ёшдагиларда ўткир бронхит касаллиги кўп учраган.

Умуман шаҳардаги кичик мактаб ёшли болаларда умумий касалликлар структурасида ўткир респиратор касалликлар энг кўп учраганлигини кузатдик.

Қишлоқдаги кичик мактаб ёшидаги болаларда касалланиш даражаси шаҳардагилардан фарқ қилади. 7 ёшли болаларда шаҳар болаларига нисбатан ўткир респиратор касалликлар оз, зотилжам, гелминтозлар эса кўп, 8-9 ёшли қишлоқ болаларида ўткир бронхит, зотилжам, НЦД анча юқори эканлигини аниқладик.

Хулоса: Шундай қилиб илмий ишимизда 7-8-9 ёшли болалар мактабга бора бошлагач, янги шароитга кўникиш жараёнида уларнинг жисмоний ривожланиши сустлашади. Умумий амалиёт шифокорлари бу ёшдаги



болаларга кўпроқ эътибор беришлари лозим ва қишлоқдаги 7-8-9 ёшли ўғил болаларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари шаҳардаги болалардан паст, қизларда эса аксинча. Демак, қишлоқ врачлик пунктларида ўғил болаларга тиббий кўрик даври ва соғломлаштиришда буни ҳисобга олиш зарур.

